

“Сув хўжалиги менежменти” фанидан маърузани ўқитиш технологияси

2-Мавзу: Сув хўжалиги ишлаб чиқаришида илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқариш

1.Маъруза машғулотивининг ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотивининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотивининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бошқаришда илмий - техника тараққиётининг аҳамияти 2. Илмий - техника тараққиётини бошқаришнинг моҳияти. 3. Илмий - техника бош бошқармаси вазифалари 4. Илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқаришнинг асосий мазмуни. 5. Илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш. 6. Илмий - техника ютуқларининг объектив зарурияти.
<p><i>Ўқув машғулотивининг мақсади:</i> Сув хўжалиги ишлаб чиқаришида илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқариш тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - бошқаришда илмий - техника тараққиётининг аҳамиятини тушунтириш; - илмий - техника тараққиётини бошқаришнинг моҳиятини тушунтириш; - илмий - техника бош бошқармаси вазифаларини тушунтириш; - илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқаришнинг асосий мазмунини тушунтириш; -илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш бўйича тасаввур ҳосил қилиш. - илмий - техника ютуқларининг объектив заруриятини белгиловчи омиллар бўйича тасаввур ҳосил қилиш. 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бошқаришда илмий - техника тараққиётининг аҳамиятини изоҳлайди; - илмий - техника тараққиётини бошқаришнинг моҳиятини тушунтиради; - илмий - техника бош бошқармаси вазифаларини айтиб бера олади; - илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқаришнинг асосий мазмунини айтиб бера олади; -илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш бўйича тасаввурга эга бўлади. - илмий - техника ютуқларининг объектив заруриятини белгиловчи омиллар бўйича тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, маркер, скотч, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш. Гуруҳлар билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. (10- мин.)	<p>1.1. Ўтган дарсда “Сув хўжалиги объектларини лойихалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш” мавзусини вазифа қилиб берилганлигини эълон қилади.</p> <p>Мавзуни ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиб, матнни қуйидаги белгилар билан белгилаб чиқиш кераклигини эслатади:</p> <p>(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди. (+) – янги маълумот. (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур. (1- илова).</p> <p>Талабага нима билган нарсани тасдиқлайди, унга нима янги маълумот эканлигини сўрайди.</p>	<p>Эшитади, тайёргарлик кўради.</p> <p>Талабалар топшириқ бўйича ўз фикрларини айтадилар.</p>
2-босқич. (20 мин.)	<p>2.1. Мавзу бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида саволлар беради:</p> <p>Лойихалаштиришнинг аҳамиятини тушунтириб беринг? Лойихалаштиришнинг асосий тамойиллари нимадан иборат? Лойихалаштиришнинг асосий вазифаларни айтиб беринг? Лойихалаш ташкилотларининг структураси ва уларнинг асосий мазмуни нимадан иборат? Қурилиш ташкилотларининг тизимлари нимадан иборат?</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p>
3-босқич. (40 мин.)	<p>3.1. Янги мавзуни эълон қилади. Режаларини ёздиради.</p> <p>3.2. Ҳар бир режа бўйича тушунча берилади (2-5 иловалар).</p>	<p>Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
4-босқич. Яқуний (10 мин.)	<p>4.1 Мазкур мавзу бўйича умумий хулоса қилади ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (6-7 иловалар)</p> <p>4.3. Уйга вазифа қилиб, балиқ склети ва ФСМУ технологияларидан фойдаланиб, топшириқларни ечиш, илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқаришнинг объектив зарурлигини кўрсатиб беришни эълон қилади. Қоидаларини тушунтириб ўтади</p>	<p>Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олади.</p>

**«Сув ҳўжалиги объектларини лойихалаш, қуриш ва ундан
фойдаланиш» мавзусини ўрганишда
“Инсерт усули” дан фойдаланиш**

1-илова

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	v	+	-	?
Лойиха, ишчи ҳужжатлар				
Қурилишни иқтисодий самарадорлиги				
Объект сметаси қиймати				
Меҳнат унумдорлиги				
Лойихалаш ташкилотини структураси				
Илмий-тадқиқот ишлари				
Қурилиш ташкилотларини тизимлари				
Илмий техника тараққиёти				
Техник иқтисодий асоснома				

Илмий - техника тараккиёти бу - меҳнат предметлари ва қуролларини узлуксиз ривожий ва тараккиётини, янги қурилиш материаллари яратишни, такомиллашган технология ва техникани жорий этишни илгор бошқаришни, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни таъминлашнинг усуллари ва шакллари.

Илмий - техника тараккиётининг сифат кўрсаткичларидан бири - қўл қўчилиш камайтириш, меҳнатни энгиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва мустаҳкамлигини оширишга ва узок вақт хизмат қилишни таъминлашга, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлашга қаратилгандир.

Илмий - техника ютуқларидан сув ҳужалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда фойдаланиш сабаблари.

Илмий - техника ютуқларидан объектив зарурияти туфайли сув ҳужалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда фойдаланиш бир нечта сабаблар билан аниқланади:

-илмий-техника тараккиёти қурилишнинг индустриал усуллари асосланган ҳолда ишни олиб бориш,

-капитал маблағлар самарадорлигини ошириш,

-мелиорация қилинган ерларни қайтадан ишга туширишни тезлаштириш,

-пировард натижада қишлоқ ҳужалигини ривожлантиришни тезлаштириш,

-табиатнинг унга бўлган салбий таъсирини камайтириш.

Илмий - техника тараққиётини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими

Илмий - техника тараққиётини акс эттирувчи кўрсаткичлар	
- Иқтисод килинган жорий ва капитал харажатларни узида акс эттирувчи умумлашган иқтисодий киймат курсаткичлари,	
- Илмий - техника тараққиётининг натижавий (электр энергияни, металлни; ёқилгини иқтисод қилиш) ҳолатини баҳолашда қулланиладиган техник-иқтисодий курсаткичлари,	
- Материал ва конструкцияни мустаҳкамлигини, техниканинг ишончилигини ва унинг аниқ ишлашини қафолатловчи техник кўрсаткичлар,	

Илмий - техника тараққиёти ва унинг натижаларини қурилишга жорий этиш бу - жараённи бошқаришни талаб этади.

Бошқариш усуллари ичида энг муҳими
режалаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш
ҳисобланади.

Илмий - техника бош бошқармаси зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган	
-Илмий - тадқиқот институтлари фаолиятини назорат қилиш	-Илмий - тадқиқот институтлари фаолиятини ташкил этиш
-Тугалланган илмий ишлар буйича тайёрланган таклифлардан фойдаланиш	-Илмий-тадқиқот ишларини самарадорлигини ошириш

Хулоса

Илмий - техника тараққиёти - меҳнат предметлари ва қуролларини узлуксиз ривожий ва тараққиёти, янги қурилиш материаллари яратиш, такомиллашган технология ва техникани жорий этиш, илгор бошқариш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари ва шаклларида иборатдир. Илмий - техника тараққиёти қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда қатор илмий-техника лойиха - кидирув ишлари сув хўжалиги қурилиши эксплуатация ташкилотлари ҳамда кўпгина бошқариш аппарати ходимларини жалб қилиш орқали амалга оширилади. Бунда илмий - техника тараққиёти қатор бир-бирига боғлиқ буғинларни уз ичига олади. Бу йуналишда қуйидаги туртта босқични алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- тегишли тармоқда фан ва ишлаб чиқаришнинг бирлигини таъминлашга қаратилган вертикал буйича илмий-техника тараққиётини бошқариш;
- алоҳида олинган тармоқларни халқ хужалигининг бошқа тармоқлари билан узвий алоқадорлиги ва боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда горизонтал буйича амалга ошириладиган илмий - техника тараққиётини бошқаришдан иборат.

Сув хужалиги ишлаб чиқариши сифатини таъминлаш бошқариш ва ташкил этишнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Мелиоратив объектларнинг сифатини ошириш унинг узок муддат ишлашини таъминлайди, ишончлигини оширади, узлаштириш ва эксплуатация жараёнида харажатларни камайтиради, капитал маблағлар самарадорлигини оширади.


Назорат саволларига жавоб беринг.

1. Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Илмий - техника ютуқларидан фойдаланишнинг объектив зарурлигини тушунтиб беринг?
3. Мелиорацияда илмий - техника тараққиёти қандай шаклларда намоён бўлади?
4. Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётини амалга ошириш босқичлари нималардан иборат?
5. Илмий – техникани бошқаришни қандай тушунасиз?
6. Сув хўжалиги қурилиш ташкилотларида илмий - техника тараққиёти даражасини ташкил қилиш кўрсаткичларини тушунтиб беринг?
7. Сифатни бошқариш деганда нимани тушунасиз?
8. Сифатни бошқариш қандай меъерий ҳужжатлар асосида амалга оширилади?

1-Тоширик: Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётини амалга ошириш бўйича вужудга келадиган муаммолар.


“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.




2-Тошширик. Илмий - техника ютуқларидан фойдаланишнинг объектив зарурлигининг сабабларини аниқланг?

“Нима учун” схемаси



3-Топширик. Мелиорацияда илмий - техника тараққиётини шакллантириш зарур ва бу қандай шаклларда намоён бўлади?

“Қандай?” диаграммаси



4-Топшириқ: Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётини амалга ошириш босқичлари нималардан иборат?
Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

Савол	Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётини амалга ошириш босқичлари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?
(Ф) -Фикрингизни баён этинг	
(С) -Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) -Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У) -Фикрингизни умумаштиринг	

ФСМУ технологияси қондаси.

Ушбу технология мунозаралари масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-муносабатларини ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.Тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб,тасдиқловчи далиллар ёки инкор фикрларини баён этишга ёрдам беради.